Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1996 йил 16 март, шанба № 33 (21.954). | Газета 1918 йил 21 июндан чика бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 март куни Халқаро валюта жамғармасининг ижрочи директори Даниэл Кейзер бошчилигидаги ушбу халқаро молиявий ташкилот делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистоннинг бозор муносабатларини қарор топтиришда ўзига хос иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бораётгани ҳақида сўзлаб берди. Биз Халқаро валюта жамғармасининг бу борада кўрсатаётган кўмагини жуда юқори баҳолаймиз ва ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз, деди жумладан, Президент.

Учрашувда Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Бахтиёр Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов иштирок этди.

Қабулда Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Марк Оъбрайен ҳозир бўлди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.
Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Интеграция — бу ниқоб

ТАРИХ ҒИЛДИРАГИ ОРТГА АЙЛАНМАЙДИ!

Кейинги пайтларда баъзи бир Ҳамдўстлик мамлакатлари ўзаро конфедерацияга бирлашиш ниқоби остида яна Совет Иттифоқини қайта тиклаш ҳақидаги ғояларни ўртага ташлаб, шу баҳонада бошқа халқларнинг, хусусан Марказий Осиё халқларининг кўнглига қўл солмоқчи бўлишяпти. Ҳатто баъзи ўринларда Россия билан Беларусь бирлашса, бошқа мамлакатлар қаерга ҳам боришарди, «ихтиёрий-мажбурий» қўшиладилар-да, деб хомтама бўлишмоқда.

Хўш, бизнинг зиёлиларимиз, сиёсатшуносларимиз, маънавият аҳлларимизнинг бу ғояга муносабатлари қандай? Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказида бир гуруҳ олимлар, сиёсатшунослар галдаги анжуманда шу ҳақда сўз юритдилар. Қуйида ана шу суҳбатда айтилган баъзи фикрлар билан танишасиз.

Неъмат АМИНОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Маълумки, бундан бир ярим аср муқаддам коммунистик мафкура деган бир сўз чиққан эди. Ўша «Комманифест»нинг дастлабки сатрларида шундай сўзлар бор: «Европада бир шарпа кезиб юрибди, бу коммунизм шарпасидир». Дарҳақиқат, коммунистик мафкура табиатан бизнинг анъаналаримиздан келиб чиққан эмас. Бу четдан сунъий равишда келтирилган ғоядир. Яна шуни айтиш керакки, ўша мафкура доҳийлари динни танқид қилардилар, дин афюн дердилар, айни пайтда катта диний таълимотдан ғоя олардилар. «Инжил», «Таврот» китобларига мурожаат қилишарди. Ҳатто Ленининг «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» деган гаплари қадимий диний китоблардан олинган.

Халқимиз коммунистик тузум туфайли ҳар ўн йилда йўқотишлар берди, саксонинчи йилларда ҳам ўзбек халқи қанча маломатларга қолди.

Ҳозир Россия ва бошқа баъзи жойларда яна бир шарпа пайдо бўлди. Бу яна ўша эски тузумни қайта тиклашни ният қилган қизил шарпадир. Бу ғоя пешволари жуда устомонлик билан иш кўрмоқчи бўляптилар. Улар халқни ўз гапларига ишонтириш ниятида ҳаракат қилишяпти. Ниятлари маълум уларнинг: темир йўл, ҳаво йўллари ва бошқа коммуникациялардан қисиб бошқаларни «вақуум» ҳолатига солишни ўйлашмоқда. Булар бари хомхаёл!

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, тарих фанлари номзоди:

— Умуман коммунистик тизим инқирозга юз тутгандан кейин Россиянинг ўзидаги кучларда ҳам коммунистик ғоядан мустақилликка эришиш сифатида Россия Федерациясини тузиш учун кураш кетди. Худди шу 90-йилларда Урта Осиё республикалари, жумладан Узбекистон бизга боқиманда булиб келяпти, деб Россия Олий Кенгаши сессияларида бир неча бор баёнот беришганлари маълум. Шундан буён неча йил вақт ўтди. Тарих учун қисқа булган бу даврда Президентимиз эълон қилган сиёсат бутун дунё томонидан эътироф этилди. Юртимизда эришилаётган ижобий ўзгаришлар, Узбекистон заминидаги хом ашё бойлиги — булар бари Россиядаги баъзи сиёсатдонларда «Биз катта нарсани қулдан чиқариб юбордик» деган фикр тугдирмоқда. Аввалги келиб турган пахта, тилла, мева-чевалар хумори тутмасинми? Улар ўз ҳаётларини бусиз ўзгартира олишларига унча ишонишмаяти. Бир мисол: дунё бўйича ташқи қарзлари кўп мамлакатлар рўйхатида биринчи ўринда Бразилия турса, олтинчи ўринда Россия Федерацияси туради. Унинг четдан 100 миллиард доллар қарзи бор. Ахир буни тўлаш керак-ку!

Минг шукрки, дунёдаги энг ривожланган давлатлар Узбекистон демократик тамойиллар йўлидан кетаётганига ишондилар. Кўплаб халқаро ташкилотлар Узбекистонга ўз нигоҳини қаратди.

Яна шуни таъкидламоқчиманки, қайси мамлакат халқи қашшоқ яшаса, ўша жойда фашистик, коммунистик ғоялар учун овоз берувчилар кўпаяди. Буни Россия парламентига булган сайловлар яққол курсатди. Айни пайтда империяча фикрлаш Россияда икки юз йилдан ошиқ давр мобайнида яшаб келяпти, у осонликча жон бермайди.

Йўлдош СУЛАЙМОН, ёзувчи:

— Кечаги кунни қумсаётган одамларнинг ўтмиши билан қизиқиб курганмисиз? Улар асосан эл-юрт дардидан йироқ одамлар. Биз буни халқимизга тушунтиришимиз керак. Қийинчилик, қийинчилик деймиз, ахир қишлоқларимизда жуда катта миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Яқинда Қувасойда бўлдим. Ажойиб тўқимачилик комбинати гуруллаб ишлаб ётибди. Агар тизгинимиз Москва қулида булганида шундай саноат корхонасини қишлоқда қуришга рухсат беришармиди?! Биз зиёлилар, қалам аҳли кўзимизни каттароқ очайлик, эришилаётган ютуқларимизни курсатиб берайлик — бу собиқ СССРни тикламоқчи булганларга муносиб зарбамиз булади.

Эркин АЪЗАМОВ, ёзувчи:

— Бу ҳақда газеталарда гап буляпти, ойнаи жаҳонда бериляпти. Лекин менинг назаримда масаланинг моҳиятини чуқурроқ курсатиб беришимиз керак. Қаёққа бораётганимизни халққа жонли, таъсирли тарзда етказишимиз лозим. Нукул кечаги кунни қоралаганимиз билан, мустақиллигимизни қуруқ улуглаганимиз билан иш битмайди.

Айтиб қуя қолай, Евроосиё буладими, интеграция буладими ёки бошқа шаклда буладими, мустақиллигимизни қулдан бериш ҳисобига халқ ҳаёти яхшиланмайди. Тарих ғилдираги ортга айланмайди.

Хуллас, Узбекистон ўз танлаган йўлидан асло чекинмаслигини ҳар бир фуқаро дил-дилидан ҳис этмоғи керак.

Шуҳрат ЖАББОРОВ
ёзиб олди.

• Иқтисодиёт олами •

БОҒДОДДА БАҲОР ТАШВИШЛАРИ

ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Вилоятда баҳор ишлари бошланиб кетди. Наврўз байрамига тайёргарлик авжида.

Боғдод туманининг 45 мингдан ортиқ аҳолиси Наврўзга бағишланган шанбаликда иштирок этди. Туман маркази ва қишлоқлардаги кўча-ю, майдонлар ободонлаштирилмоқда. Ариқзовурлар тозаланди.

Ҳашарда иштирок этган корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўз иш ҳақларини шанбалик ҳисобига ўтказдилар. Жамғармага 280 минг сўм пул тушди. Ҳашарда Боғдод дон маҳсулотлари комбинати, мебель фабрикаси, «Пахтакор» жамоа хўжалиги аъзолари фаол иштирок этишди.

Алишер ИБОДИНОВ.

• Иқтисодиёт олами •

ЧИНОЗЛИК ТАДБИРКОР АЁЛЛАР

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Хотин-қизларимиз ислоҳот талабларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Чиноз туманида 800 нафардан кўпроқ хотин-қиз якка тартибда меҳнат қилмоқда. Улардан ўн етти нафари тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўз хусусий фирмалари ва кичик корхоналарига эга. Хусусан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги «Гулнора» фирмасига Муборак Эрназарова раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган қоғоз қопларга талаб катта. «Олмазор» жамоа хўжалигида Мавжуда Султонова бошлиқ боғбонлар аҳоли дастурхонига турли мевалар етказиб бермоқдалар. Умуман 171 та бошланғич ташкилотга бирлашган туман хотин-қизлари янада фаолроқ бўлишга ҳаракат қилишмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ.



Боғбон боғини тузар.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

«БИЛЛЕР» ЛИЦЕНЗИЯСИ АСОСИДА

СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти вилоят аҳолисининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаб келмоқда. Бу ерда ун ишлаб чиқаришда катта-кичик тегирмонлар хизматидан фойдаланилади. Янги тегирмон Швейцариянинг «Биллер» фирмаси лицензияси асосида ишга туширилди. Унинг қуввати 50 тонна бўлиб, 83 фоиз «Ўзбекистон уни» ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

— Мингдан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг ўртача маоши 1200-1500 сўмни ташкил этяпти, — дейди Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти раиси Эркин Қурбонов. — Яқинда ички имкониятлардан фойдаланиб, ун-буғдой қолдиғидан тиббиётда фойдаланиладиган спирт ишлаб чиқариш цехларини ташкил этдик. Келгусида бир кеча-кундузда истеъмолга мўлжалланган 280 литр спирт ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз.

Низом НОРҚОБИЛОВ.

Мустабидлик асоратлари

КИМДАН ТОПШИРИҚ КУТЯПСИЗ?

Ғиждувонлик чўпон-чўлиқ ҳаёти билан танишиш мақсадида Кўкча яйловларида бўлганимизда гаройиб манзарага дуч келдик. «Гулистон» жамоа хўжалиги қоракўлчилик фермаси отарларидан бирида — бийдек чўлнинг қоқ ўртасида, баланд тепаликда йўқсиллар доҳийсининг ҳайкали виқор тўкиб турибди.

— Ҳайрон бўлманг, — дейди хотиржамлик билан ферма мудири Ҳ. Авезов. — Отарнинг номи Ленинқўра. Бундан уч йил бурун уни колхоздан олиб келиб шу ерга ўрнатганман.

— Ҳеч ким эътироз билдирмадими?

— Йўқ. Ҳамма ўзи билан ўзи, ким ҳам эътибор берарди...

Хўш, бу ерни чўл дейлик. Туман хўжаликларида-чи? Очиғи, Ғиждувонда эски тузумни эслатувчи нарсалар ҳали кўп. «Зарафшон» жамоа хўжалиги бошқаруви биноси олдидаям Ленин «яшаётир». Кимдандир уни темир ғилоф билан ўраш ташаббуси чиққан. Доҳий ўралган тўсиқнинг тўрт тарафига ҳар хил битиклар ёзилган, тепасида эса байроқ тиқиладиган мослама ҳам бор. Хўжалик иссиқхонасида эса «халқлар отаси» Сталиннинг бюсти турганини хўжалик раҳбарлари кўриб кўрмаганга олишяптимикан?

Тўғри, истиқлол бухороликларга кўп нарса берди. Ўтган муддатда шўролар давридаги даҳолар номи билан аталадиган хўжаликлар, кўча ва хиёбонлар номи ўзгарди. Аммо маънавиятимизда туб ўзгариш бўлдими? Ромитан тумани «Телену» жамоа хўжалигидаги муҳташам кутубхонага кирсангиз унинг тозалигидан баҳри дилингиз яйрайди. Лекин китоб жавонларига кўз югуртирсангиз... дилингиз оғрийди. Буни қарангки, кутубхонада «Ленин ҳаёти», «Ленининг асарлари», «Марксизм-ленинизм» бўлимларида китоблар қатор-қатор. Афсуски ўзимизнинг мумтоз адабиётимиз намуналари, ёзувчи ва шоирларимизнинг асарлари ўқувчи нигоҳидан четда.

— Бизга бу асарларни олиб қўйиш айтилмаган, — дейди кутубхона мудираси Б. Раҳимова.

Афтидан марказий кутубхона директори Н. Абдуллаева ҳам қўл остида ишловчилар каби юқоридан ишора кутаётгандир. Шундай бўлмаса тумандаги қатор кутубхоналарда бир хил манзарани кўрмасдик.

Жойлардаги кўргазмали воситалар, ташкилотлар манзиллари, кўрсаткич белгилар ҳам эскича. Яна бир гап: аксарият жамоа хўжаликларида доҳийларнинг бюст ва ҳайкаллари олиб ташланаётгани яхши. Аммо шоҳсупалар-чи? Улар туравердими? Ҳафсаласиз раҳбарлар иқтисодиётни ўйлаяпмиз деб, маънавиятни хўрлаётганликларини сезармиканлар?

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллий кадр — зарурат

ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида юртбошимизнинг куюнчаклик билан айтганлари республикамиз барча фуқаролари қалбидан чуқур жой олди. Жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг бошқарма бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди А. ТУРСУНОВга мурожаат этиб, қуйи бўғин раҳбарларидан тортиб то вилоят миқёсидаги хўжалик раҳбарларини танлаш, лавозимларга тайинлаш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилди.

— Абдусалом Турсунович, бугунги кунниг энг долзарб муаммоларидан бири халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқаришни бозор муносабатлари талабларига мослаб ташкил этиш ва бошқарувнинг иқтисодий усулларини жорий қилишдир. Зеро, кейинги йилларда хорижий фирмалар билан юзлаб қўшма корхоналар барпо этиш ва янги иш жойлари очиш билан бир вақтда кўплаб йирик корхоналарда ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб, маҳсулот ҳажми камаяётгани ва шунинг оқибатида янги ишсизлар пайдо бўлаётгани сир эмас. Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, юртбошимизнинг куни кечаги мажлисда сўзлаган нутқи ҳамма бўғин раҳбарлари учун дастуриламал вазифасини ўтамоғи лозим. Сизнинг айнан шу соҳада ҳам иқтисодчи олим, ҳам етук мутахассис сифатидаги шахсий фикр-мулоҳазаларингизни билишни истардик.

— Президентимизнинг ҳар бир раҳбар аввало ҳалол, ташаббускор бўлиши, шахсий манфаатини эмас, эл-юрт фаровонлигини ўйлаб ишлаши зарурлигини қайта-қайта такрорлаши бежиз эмас. Чунки, раҳбарлик лавозимларига турли сабаблар билан тасодифан келиб қолган кишилар ҳам борки, улар иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш ўрнига аксинча бу табиий жараёнларга сунъий тўсиқ бўлмоқдалар.

Ўзини хўжайин фаҳмлаб маъмурий-буйруқбозлик ҳатто зўравонлик билан раҳбарлик қилиш усуллари аввалги тузумга хос эди. Биз барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлат — қонунлар устиворлигига асосланадиган жамиятда нафақат оддий раҳбар, ваҳоланки эгаллаб турган лавозимининг катта-кичиклигидан қатъи назар, бошқарувчи, етакчидир. Етакчи бўлиш учун илмнинг ўзи етарли эмас. Раҳбар давр талабини тўғри англай олиши, фақат бугунни эмас, балки узоқ истиқболни кўра билиши, ўзининг бор билим ва тажрибасини Аллоҳ инъом этган қобилият воситасида аниқ мақсад сари йўналтиришдек руҳий кучга ҳам эга бўлмоғи керак.

— Қайси иқтисодий мурват ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади? Мустақилликни янада мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш имконини беради, деб ўйлайсиз?

— Бугунги ўтиш даврида зўр бериб амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифа бутун ички имкониятларни ишга солиб, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, майда ва ўрта корхоналарни кўпайтириш, чет эл сармояларини иложи борича кўпроқ сафарбар этиб қўшма корхоналар барпо этишдир. Шунда четдан олиб келинаётган моллар олди-сотди савдоси эмас, балки ўзимизда ишлаб чиқариладиган тайёр товар маҳсулотлари савдоси устиворлигига эришилади. Ички ишлаб чиқаришнинг гуркираб ривожланиши халқнинг яшаш манбаи, тайинли ва муҳим иш ўрни билан таъминланишига олиб келади. Бинобарин, ишсизлик ҳам ўз-ўзидан камаяди. Ички бозор товар маҳсулотлари билан доимо тўла бўлади. Энг муҳими, бундан давлат хазинаси ҳам бойиб боради. Бу фикрни исботлаш учун мисоллар келтириш шарт эмас. Юртбошимиз фақат ташқаридан келтирилаётган моллар олди-сотдиси, тижорат дўконларини кўпайтиришга зўр берилгани боис ички ишлаб чиқариш камайиб кетганлигини инкор этиб бўлмайдиган мисоллар билан исботлаб берди.

— Етакчи жон куйдириб, ташаббус кўрсатиб ишламаса, жойларда иқтисодий ислоҳотлар ҳар қадамда оқсайвериши аниқлигини Президентимиз кўп бор қатъий таъкидламоқда. Сизнингча, ҳозирги янгича иқтисодий муносабатлар шароитида ҳамма соҳа хўжалик раҳбарларини асосан қайси фазилатларига кўра ва қай тартибда танлаш, у ёки бу лавозимга қўймоқ маъқул?

— Сир эмаски, бизда эски тузумдан қолган иллат, яъни ходимни асосан ўзидан юқори идора бошлиқларига қай даражада садоқатли эканлигига қараб у ёки бу лавозимга тайинлаш одат тусига кириб қолганди. Жўнроқ қилиб айтадиган бўлсак, масалан, хўжалик раиси ўзига «ёқмай» қолган бош иқтисодчи, бош ҳисобчи, бош ҳосилот каби қуйи мансабдорларни бемалол алмаштириш имкониятига эга эди.

Биз демократик ҳуқуқий давлат қурмоқ учун бозор муносабатларига тўла ўтишни ихтиёр этган эканмиз, юртбошимиз таъкидлаётганидек, бундай зарарли иллатдан бутунлай халос бўлмоғимиз лозим. Айниқса, йирик корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек кўп тармоқли хўжаликларнинг раҳбарлари, бизнингча, аввалдан пухта ишлаб чиқилган талаблар тизими асосида танлов йўли билан аниқланиб, лавозимга тайинланғани маъқул. Танлов талабларида, жумладан, номзоднинг айнан шу соҳада билими, иш тажрибаси, дунёқараши, маънавий дунёси, ишчанлик ва инсоний фазилатлари эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ. Агар даъвогарларнинг ана шу талаблар бўйича имкониятлари тенг келиб қолса, уларнинг ёшроғини танламоқ, борди-ю ёшлари ҳам тенг бўлса, дунё кўрган, кўп тиллар билганига устунлик берилиши лозим, деб ўйлайман.

Агар шундай танлов тартиби жорий этилиб, унинг талабларига оғишмай амал қилинса, ишлаб чиқариш шу соҳанинг билимдонлари ва фидойилари қўлига тезроқ ўтишига, бошқарувда эса изланиш, ташаббус устивор бўлишига умид боғлаш мумкин.

Суҳбатдош: Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ.

Ҳаёт билан ҳамнафас

ҚАРИЯЛАР — ҲОКИМЛИК ТАЯНЧИ

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ана шундай қарорга келди. Ишлаб чиқаришда, бошқарувда, жамоат ташкилотларида катта тажрибага эга бўлган меҳнат фахрийларидан бир гуруҳи туман ва шаҳарларга йўл олдилар. Улар қишлоқларда, корхоналарда, меҳнат жамоаларида учрашувлар, суҳбатлар ўтказишди. Аҳолига республика ҳукумати амалга ошираётган ислоҳотлар мағзини тушунтириб беришди.

Фахрийлар жойларда юзага келган камчилик ҳамда муаммоларни ўз ҳаётий тажрибалари асосида қандай ҳал қилиш юзасидан аниқ таклифлар киритишди. Энг муҳими, ана шу хайрли ишларда ўзлари ҳам бевосита иштирок этишди.

Аваламбор, фахрийлар ўзларини жамиятга керакли эканликларини ҳис қилмоқдалар. Бундай тадбирлар келгусида анъанавий тус олади.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қишлоқ ҳаёти ва ҳуқуқ

ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ

Ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи деҳқонларни бир хил саволлар, яъни нима экиш керак, уни кимга, қандай тартиб ва нархларда сотиш масалалари безовта қилади.

Авваллари давлат томонидан ҳар бир соҳа бўйича режа белгиланар эди. Бозор иқтисодиётида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш фақат ҳуқуқий ҳужжат — шартнома асосида амалга оширилади. Демак, шартномани ўз вақтида тузмаслик деҳқонларимиз ва чорвадорларимизга катта иқтисодий зарар етказиши мумкин. Шунинг учун ҳам хўжалик ва тайёрловчиларга ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида республикамизнинг барча вилоятлари вакиллари иштирокида шартнома амалиёти масалаларига бағишланган минтақавий семинарлар ўтказилди.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмолчиларга асосан тайёрлов ташкилотлари орқали контрактация шартномаси тузиш йўли билан етказиб берилмоқда. Контрактация шартномаси қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан деҳқон (фермер) хўжаликлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилувчилар (тайёрлов, савдо, қайта ишловчи ва бошқалар) ўртасида тузиладиган шартнома бўлиб, унга асосан хўжаликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотини шартномада назарда тутилган миқдорда, сифатда, ассортиментда ва муддатларда етиштириш мажбуриятини, тайёрловчи эса уни қабул қилиб олиш, қийматини белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича тўлаш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аванс бериш ва маҳсулотни транспортда ташишда хўжаликка ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланган бўлиб, унда хўжаликлар ва тайёрловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил баён қилинган. Шунга қарамай, нафақат хўжалик, балки тайёрлов ташкилотлари раҳбарларининг ҳам бозор қонун-қоидаларини яхши ўзлаштирмаганликлари сабабли контрактация шартномаларини тузиш ва айниқса унинг ижросини таъминлашда кўплаб камчиликларга йўл қўйилаётганлиги семинарларда рўйи-рост очиб ташланди. Бу камчиликлар — хўжаликлар ва тайёрловчиларнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимининг сарқити бўлган юқоридан кўрсатма кутиб ишлашлари; етиштириладиган ҳосилни тўла-тўкис сотишга ўз вақтида шартнома тузмаслик; хўжаликнинг ички имкониятлари ва хусусиятларини ҳисобга олмай юқори ташкилотлар томонидан тайёрланган намунавий шартномага эътиборсизлик билан имзо чекиш ва ҳатто тегишли бандларини тўлдирмасдан шартнома тузиш; хўжаликлар томонидан маҳсулот таннархини аниқ ҳисобкитоб қилмасдан шартномада баҳони белгилаш; маҳсулотнинг шартномада белгиланган қийматининг 25% (доннинг 40%) миқдоридаги аванс ўз вақтида ўтказилишини ва ундан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни таъминламаслик; тарафларнинг, айниқса тайёрловчининг мулкий жавобгарлигини белгиловчи меъёрларнинг шартномага киритилмаслиги ёки уларни шартнома шартлари бузилган ҳолларда қўлламасликдан иборат.

Бунинг оқибатида деҳқонларнинг кўп машаққатлар билан етиштирган ҳосилини нобуд бўлишига, хўжаликларнинг оғир молиявий аҳволга дуч келишига, бу эса ўз навбатида қишлоқ меҳнаткашларига вақтида ойлик маошларини тўланмаслигига ҳамда энг муҳими республика аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондирмаслигига олиб келмоқда.

Бунга сабаб — минерал ўғитлар, ёқилғи, қишлоқ хўжалик машиналари ва техникаси нархларининг ошиб кетганлиги ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланган нархларнинг пастлиги бўлмай, балки тайёрловчи, қайта ишловчи корхоналар ва савдо ташкилотлари томонидан Президент Фармонларининг ижроси тўла таъминланмаслиги туфайли маҳсулот учун ҳақни ўз вақтида тўланмаётганлиги ва хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизликлари, лоқайдликлари ҳамда ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни билмасликлари ёки билишни истамасликларидир.

Масалан, хўжалик судларига хўжаликлар шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун тайёрловчи ташкилотлардан дебитор қарзларни ва тегишли жарималарни ундириб бериш тўғрисида камдан-кам ҳолдардагина мурожаат қилмоқдалар. Бу эса қишлоқ хўжалик соҳасида ҳуқуқий ишларни жонлантириш, юқори малакали юридик хизмат ходимларини хўжаликларга ишга жалб қилишни тақозо этади.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ хўжаликлар ва тадбиркорлар бир йил, жарималар ундириш бўйича эса олти ой давомида хўжалик судларига даъво аризалари билан мурожаат қилишлари мумкин. Даъво аризасида томонларнинг номи, манзили, даъвонинг баҳоси, даъво талаби асосланган ҳолатлар, аризада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи асосли далил-исботлар, ундирилаётган ёки баҳсга сабабчи бўлган маблағнинг асосли ҳисоб-китоби, даъво тақдим этиш учун асос бўлган қонун ҳужжатлари, жавобгар билан ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрганлиги тўғрисидаги маълумотлар, аризага илова қилинаётган ҳужжатлар ва бошқа далил-исботлар рўйхати кўрсатилиши лозим. Хўжалик судларига бериладиган мулкий тусдаги даъво аризаларидан даъво баҳосининг 10 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади. Одатда давлат божи олдиндан тўланади ва бож тўланганлигини исботловчи далил даъво аризасига илова қилинади. Бироқ, қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ давлат божини олдиндан тўламасдан ҳам хўжалик судларига даъво аризаси билан мурожаат қилишлари мумкин. Бундан ташқари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар банкдаги ҳисоб рақамларида маблағлари йўқлиги тўғрисида тегишли маълумотнома тақдим қилганларида суднинг ажрими билан давлат божини тўлашдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Низолар хўжалик судларида мумкин қадар қисқа муддатларда, бироқ, даъво аризаси олинган кундан бошлаб кўпи билан икки ой ичида кўриб чиқилади. Хўжалик судларининг ҳал қилувчи қарорлари ва ажримлари қабул қилиниши биланоқ дарҳол кучга киради ва республика худудида барча мулк шаклидаги ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Президентимиз И. А. Каримов — ҳеч бир шартномадан хўжалик зарар кўрмаслиги, балки ўзи учун манфаат топиши, бундан буёғига ишлаб чиқарувчилар билан муносабатни **қизиқтириш, рағбатлантириш, уларга эркинлик бериш** асосида қўриш лозим, деб жуда тўғри йўлланма берди.

Вазирлар Маҳкамасининг эълон қилинган қарорлари билан фақат пахта ва бошоқли экинлар дони етиштириш ва уларни харид қилиш ҳажмлари белгиланганлиги ҳамда давлат буюртмаси ҳар иккала маҳсулот учун ҳам ишлаб чиқариш ҳажмларининг 50% даражасида тасдиқланиб, унинг нархини ўртача жаҳон нархларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш кераклиги қатъий кўрсатилиб қўйилди. Бошқа барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса, эркин сотилади.

Бундан буён жамоа, ширкат, ижара, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик тузилмалари ўзлари етиштираётган маҳсулотларни сотиш, бозорни ўрганиш, нархнаво масалалари билан шуғулланишлари лозим ҳамда ўз ихтиёрларида қолдирилган маҳсулотларни нафақат контрактация шартномалари, балки маҳсулот етказиб бериш (поставка), олди-сотди, форвард, фьючерс ва бошқа турдаги шартномаларни тузиш йўли билан республика ичидаги ва чет эллик харидорларга сотишлари мумкин.

Шу ўринда хўжаликларга ва истеъмолчиларга бозор иқтисодиётига мос келадиган шартноманинг янги шаклларидан бири бўлган фьючерс шартномасини тузишнинг ҳам тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир. Фьючерс шартномаларини тузишни ҳуқуқий асослари биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонун ва республика ҳукуматининг биржа ва ярмарка савдосини, фьючерс асосидаги шартнома муносабатларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорларда белгиланган.

Бу шартноманинг ўзига хос хусусиятлари ва афзаллик томонлари нималардан иборат деган савол туғилади. Фьючерс шартномаси — уни тузиш пайтида белгиланган нарх бўйича товарлар олди-сотдисини ва операцияларни муайян вақт оралиғидан кейин бажарилишини ифодаловчи муддатли шартнома ҳисобланади. Фьючерс шартномалари биржаларда ва ярмарка савдоларида хўжаликлар ихтиёрида қоладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш учун бир йилдан кўп бўлмаган муддатга тузилади. Хўжалик ўзида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб оладиган харидорга олдиндан эга бўлади, маҳсулотлар экин майдонларида, хирмонларда ёки омборларда харидорни кутиб турмайди, уларнинг сифати бузилиши, нобуд бўлишининг олди олинади. Бу шартноманинг асосий хусусияти — етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотинигина эмас, балки шартноманинг ўзини ҳам биржада сотиш орқали нархлар кўтарилиб ёки тушиб кетганда ҳам тарафларнинг зарар кўрмаслигидир. Бундай шартнома тузилган тақдирда харидор хўжаликка у расмийлаштирилганидан сўнг 10 кун ичида томонлар келишган, аммо шартнома қийматининг камида 15% миқдорида ёки ундан кўпроқ аванс ўтказади. Олинган аванс суммасига солиқ солинмайди ва ушбу сумма дебитор, кредитор қарзлар ҳисобига, шунингдек шартнома тўлиқ бажарилгунига қадар ва шартноманинг бутун суммаси хўжаликнинг ҳисоб-китоб рақамига тушгунигача унинг розилигисиз банк ссудалари бўйича қарзлар ҳисобига тўланмайди. Бу маблағдан хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, машина ва техника, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун фойдаланиши мумкин, яъни бу унга харидорнинг маблағидан фоизсиз пул кредити сифатида фойдаланиш имконини беради.

Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий хўжалик судининг раиси.



Ўзбек миллий каштачилиги. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига

ОТАШИН ВАТАНПАРВАР ЭДИ

Тарихда шундай кишилар бўладики, уларнинг номи замонлар оша эл ардоғидан тушмайди. Чунки улар халқнинг бахту саодати, фаровон ҳаёти учун жонларини фидо қилганлар.

Ана шундай фидойи инсонлардан бири Файзулла Хўжаев эди. У 1896 йилда Бухорода таваллуд топиб, ёшлигиданоқ янги тузум ўрнатиш ҳамда ўз халқининг моддий ва маънавий турмушини яхшилаш учун тинмай курашди.

Ўзбек халқининг оташин фарзанди Файзулла Хўжаевнинг босиб ўтган ҳаёт йўли жуда мураккаб. У ўз бошидан қонли жанглар, адолатсизликларни кечирган. Умрининг сўнгги дақиқаларигача мамлакат озодлиги, мустақиллиги, фаровон ҳаёти учун катта фидойилик кўрсатган. Афсуски, у ҳақсизлик қурбони бўлиб, қатағонлик йилларида эрта хазон бўлди.

У ҳақиқат тантанаси йўлида янгилик учун курашган «Жадидлар партияси»га, кейинчалик «Ёш бухороликлар» партиясига кириб, ўз халқини озодликка олиб чиқиш, чор Россиясига қарамликдан, амирлик тузумининг истибдодидан қутқариш учун курашади. Бу ҳаракати 1920 йил 2 сентябрда Бухоро Халқ Республикаси тузилиши билан якунланади.

У 25 ёшидаёқ Бухоро Халқ Нозирлар Кенгашининг раисидек юксак лавозимни эгаллаб, уни муваффақиятли бошқаради. Айни бир вақтда Бухоро Халқ Республикасининг Москвадаги доимий вакили, Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг Раисларидан бири, ҳарбий инқилоб Кенгашининг аъзоси — командарм, генералга тенг ҳарбий унвон эгаси бўлган.

Ф. Хўжаев Ўзбекистон Республикасининг ишчи-деҳқон ҳукуматига 12 йил давомида бошчилик қилиб, Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан юксалиши учун куч-ғайрат сарфлади.

1937 йилнинг май ойида Самарқандда Ўзбекистон олимларининг I съезди бўлади. Унда 180 делегат қатнашади. Ана шу катта анжуманда республиканинг Қори Ниёзий, Садриддин Айний, И. Мўминов каби таниқли фан, маданият арбоблари билан бир қаторда Москва, Ленинград шаҳарлари ҳамда бошқа қардош республикалардан келган йирик олимлар ҳам қатнашади. У съезд қатнашчиларига қарата табрик нутқи сўзлайди. Ўз нутқида республика ҳаётига оид кўпгина масалаларни таҳлил қилиш билан бирга олимлар ва фан арбоблари олдида турган долзарб масалалар тўғрисида тўхталиб ўтади.

Унинг фаолияти кўп қиррали. Маърифатпарвар давлат арбобларидан эди. Файзулла Хўжаев ташаббуси билан республикада қатор олий ўқув юртлари, жумладан Тошкентда 1933 йилда совет қурилиши ва ҳуқуқ институти, пахтачилик илмий-текшириш институти ва бир қатор педагогика олий ўқув юртлари ташкил этилганди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, йирик ҳуқуқшунос олим Отабой Эшонов Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи очеркда унинг публицист сифатида ҳам бой мерос қолдирганини айтади.

Маълумки, қатағонлик йилларининг аянчли мусибати кўпгина миллатлар каби ўзбеклар бошига ҳам оғир мусибат солди. Минг-минглаб асл фарзандларимиз қаторида Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевларни ҳам қатли ом ўз домига тортган эди.

1967 йилнинг февралида Ўзбекистон ҳукумати машҳур давлат арбоби, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси Файзулла Хўжаевнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу қарорда бошқа тадбирлар билан бир қаторда унинг III жилдлик «Танланган асарлари»ни нашр этиш ҳам кўрсатилган эди. Мазкур қарорга мувофиқ уни чоп этишни тайёрлаш Фалсафа ва ҳуқуқ, Партия тарихи институтларига топширилган эди. Шу қарор асосида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан 1-жилднинг қўлёзмаси тайёрланиб, муҳокама учун топширилди ҳамда у 1969 йилнинг 30 июнида чоп этишга тавсия қилинади.

Танланган асарларнинг 1-жилди Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси О. Эшонов раҳбарлигида тайёрланади. Шу III жилдлик танланган асарларнинг чоп этилишида атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов ҳамда академик Иброҳим Мўминов, олим Музаффар Хайруллаевларнинг хизматларини айтиб ўтиш жоиздир.

Айниқса, Иброҳим Мўминов Ф. Хўжаевнинг қизлари — Вилоят Хўжаевани ҳам шу хайрли ишга жалб қилиб, унинг хотираларини жамлаб, катта жонбозлик кўрсатганди. Бу ноёб асар рус ва ўзбек тилларида чоп этилиши миллатимизнинг фахри, ғурури бўлиб, хорижий мамлакатлар олдида ҳам юзимизнинг ёруғ бўлишига олиб келган тарихий воқеа бўлганди ўшанда.

Файзулла Хўжаев хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарор туфайли ўқув юртлари, бир қанча жой номлари унинг номига қўйилиб, ёдгорликлар ўрнатилди. Бу қатағонлик йиллари хатосини тузатиш, ўзбек халқининг оташин, ватанпарвар фарзандига билдирилган катта эҳтиром бўлди. Бу ўзбегимнинг ўзлигини англаш йўлида қўйган катта қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганлигининг 5 йиллиги арафасида, қадриятларимиз янада эъзозланаётган бир даврда юртбошимиз томонидан Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори эса миллатпарварлик йўлидаги катта мурувватдир. Бу сананинг муносиб нишонланиши шубҳасиз тарихимиз зарварақларида ўчмас из қолдиради.

Абдумажид ШУКУРОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«БУ ЙЎЛЛАР... ПОЙТАХТГА МУНОСИБМИ?»

1996 йил, 15 февраль

Ушбу танқидий мақола юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ижроия маҳкамасининг Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи М. Зуфаровдан жавоб хати олинди.

Мақола бошқарма кенгашида йўл таъмирлаш корхоналари ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўрганилиб чиқилди ва унда ёритилган фактлар ўринли деб топилди.

Шаҳар йўллари ҳолатини тубдан яхшилаш, уларни замон талаблари даражасига кўтаришни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида 1995 йилдан буён кўчаларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва янги кўчалар очиш буйича кенг кўламли дастур амалга оширилмоқда.

Жумладан, 1995 йилда Қорасарой, Сағбон, Фарғона йўли, Ҳамза кўчалари қайта таъмирланди, Бобур кўчасидаги Бўрижар каналига кўприк қурилди, йўлларни капитал таъмирлаш учун «Виртген» немис фирмасидан йўл техникаси—совуқ фрезлар, «Ремиксер», асфальт ётқизувчи машиналар, йўл котоклари харид қилинди. Бобур, Ўзбекистон, Матбуотчилар, Ниёзов, Абдураҳмонов ва бошқа бир қатор кўчалар немис технологияси буйича таъмирланди.

1995 йилда шаҳар буйича 850,0 минг квадрат метр йўл асфальтланди.

1996 йилги шаҳар йўллари ҳолатини яхшилашнинг тасдиқланган дастурига мувофиқ Тошкент буйича 28,5 км. йўл қуриш ва қайта таъмирлаш кузда тутилган. Уйғур, Фаробий, Афросиёб, А. Қодирий, Ҳ. Умаров, Сағбон ва бошқа кўчалар шулар жумласидан.

Кўчаларни қайта таъмирлаш буйича ишларни «Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» трести, «Ўзавтойўллари» концерни, Қурилиш вазирлиги, Монтажмахсус қурилиш вазирлиги корхоналари, «Тошкентжойинвестқурилиш» корпорацияси олиб бормоқдалар.

Узбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига Амир Темур ва А. Қодирий кўчалари кесишган жойда транспорт тоннели фойдаланишга топширилади.

Бобур кўчасининг аэропорт снидаги 30 йил олдин қурилган осма кўприк қайта таъмирланади. Мазкур ишларни бажариш «7-Кўприккўрилиш» трестига топширилган.

«Шаҳарйўлқурилиштаъмирлаш» томонидан немис технологияси буйича Пушкин, Абдуллаев, Буюк ипак йўли, Амир Темур, Халқлар дустлиги, Мовароуннаҳр, Генерал Узоқов, Улуғбек ва бошқа кўчалар капитал таъмирланади. Мазкур кўчалар буйича умумий майдон 418,5 минг квадрат метрдир.

1996 йилда сунъий иншоотлар ва шаҳар йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашга кетадиган харажатлар 2,5 миллиард сумдан ошади.

М. ЗУФАРОВ,
Тошкент шаҳар
Ободонлаштириш бош
бошқармаси бошқарувчиси.

Ҳаёт билан ҳамнафас

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР АЙТИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши XI пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюросининг 1995 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот ва Ўзбекистон ХДП МКнинг XV пленуми қарорлари асосида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари» ҳақида Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов маърузаси тингланди.

Маърузадан сўнг Чилонзор туман партия кенгаши биринчи котиби Ё. Шодмонов, Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур маҳалласи ҳудудий партия ташкилоти котиби Н. Ҳикматуллаев, 60-ўрта мактаб директори Т. Некрасова, Собир Раҳимов туманидаги Чуқурсой ҳудудий партия ташкилоти котиби У. Шойимқулов, «Файз» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси партия фаоли А. Саранцов, Юнусобод тумани «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи оқсоқоли Э. Қодиров ва «Тўқимачи» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котиби М. Матниёзовалар ўтган йилни партиямиз ҳаёти учун муҳим босқич, деб ҳисоблаб, мазкур йилда ҳар бир ишга муносиб ва масъулият билан ёндашиш лозимлигини таъкидлашди.

Шунингдек, пленумда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар партия ташкилотининг 1996 йил учун бюджети тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Деҳқон баҳори. И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

БАҲОРДА БАЛИҚ ОВЛАНМАЙДИ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Наврўзи оламнинг қандай келишидан қатъий назар табиат уйғонади. Олимларнинг кузатишларига қарағанда, бир кечакундузда баҳор қарийб эллик чақиримга мағриб томон силжир экан. Кўклам нафасини аввало жониворлар, қолаверса, сув ҳайвонлари тезроқ пайқайдилар. Хусусан, балиқлар дарё ва кўллар тубидан юзароққа чиқиб, уруғ ташлашга ошиқадилар. Шу боисдан ҳам бундай кезларда балиқ овлаш деярли маън этилади. Биз шу муносабат билан Республика табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси қошидаги «Давлатбионазорат» инспекцияси бошлиғи Одилжон Отажоновдан балиқ ови билан боғлиқ муаммолар ҳақида сўзлаб беришини сўрадик.

— Шуни мамнуният билан эътироф этиш керакки, табиатни муҳофаза қилиш умуминсоний юмушлардан бирига айланган, — дейди у. — Мамлакатимизда табиатни асраш, ҳавонинг мусаффолигига эришиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бойитиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумки, балиқ гўшти фойдали ва парҳез таомларга хос масаллиқлардан саналади. Шунинг учун ҳам ҳаваскор овчилар қишда музни ёриб, ёзда соатлаб ов гаштидан баҳраманд бўлишга интиладилар. Зеро, балиқлар уруғ ташлайдиган даврда уларни овламаслик, аксинча муҳофаза қилиш лозимлиги қатъий қоидага айланган. Бу кезлар қармоғу тўрни олиб, дарё ва кўлларга йўл олишга рухсат берилмайди.

Ҳақиқий балиқчилар ўзаро келишибми, бу даврда балиқ овламасликка аҳд қиладилар. Чунки, улар баҳор чоғлари балиқлар ҳимояга муҳтож эканини яхши биладилар. Афсуски, қоидабузарлар шундай масъулиятли дамларда ҳам имкониятни бой бермасликка ҳаракат қилаверадилар. Табиат саховати сув юзасида юрганидан фойдаланиб, бойлик орттиришга ружу қиладилар. Ваҳоланки, рухсатномаси борларга етти килограммгача овлаш, уруғ ташлаш пайтида эса бир-иккита балиқ билан қаноатланишга рухсат этилиши мумкин.

Қизиғи шундаки, тартиббузарлар ҳар қандай йўл билан ўзларини оқлашга уринишади. Лекин табиатни муҳофаза қилишга бел боғлаган ходимларимиз бўш келишмайди. Ўтган йили 4731 нафар тартиббузар қўлга олиниб, улардан 496,2 минг сўмлик жарима ундирилгани ҳам шундан. Тартиббузарлардан 486 та балиқ овлаш ашёлари тортиб олинди. 298 нафар киши устидан тергов ишлари қўзгатилган.

Бундай ноҳушликларнинг олдини олиш, ишни тўғри ташкил қилиш мақсадида бу йилдан бошлаб жамоатчиликка суянган ҳолда сув ҳавзалари жонкуяр табиатсеварларга биркитиб қўйилди. Бу борада табиатни муҳофаза қилиш идораларига қарашли спортчи-овчилар яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Баҳор ойларида Сирдарё, Амударё ва бошқа масканларда 10 мартдан 31 майгача балиқ овлаш маън этилади. Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти сув ҳавзаларида 25 апрелдан 10 июнгача, қолган жойларда 16 апрелдан 31 майгача балиқ овлашга рухсат этилмайди. Шунингдек, балиқларнинг уруғ ташлаш даврида моторли қайиқларда сузишга йўл берилмайди. Бир сўз билан айтганда, балиқлар ҳам халқимизнинг ўзига хос бойлиги ҳисобланади. Биз уни қанча авайлаб-асрасак, шунчалик дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаган бўламиз.

Суҳбатдош: М. МАҲМУТОВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 18

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан 18 март куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 1. «Миллат»: «Кўзгудаги ҳақиқат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 II. Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 III. «Миллат»: «Уни ким уйғотади?» Публицистик кўрсатувларнинг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55—00.35 «Ижодкор портретига чизгилар». Собит Саидов.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мўъжиза». Дэвид Копперфильд.
20.20 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 ТВ II намойиш этади.
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.45—23.45 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Беш ҳалқа жозибаси». Олимпиадачилар базми.
9.50 «Занги ота». Телефильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмовнинг янги қўшиқлари.
10.30 «Темиртан даҳолар». Ўзбекистонда компьютерлаштириш.
11.00 «Жаҳон киноси юлдузлари». Жина Лоллобриджида.
11.30 «Сеҳрли оҳанглар». Тошкент шаҳри мусиқа мактаблари кўрик-танлови ғолибларининг концерти.
12.00 «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Нафосат олами». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.20—21.40

*

21.40 «Абу Райҳон Беруний». Бадиий фильм. 1-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Тоғ кийиклари», «Кузги қушлар ғаласи». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
23.30—23.50

*

23.50 — 24.00 «Кабутарим». Телефильм.

IV

17.05 «Кўзмунчоқ». Болалар учун кўрсатув.
17.40 Камер куйларидан концерт.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
20.15 Шифокор билан мулоқот.
20.45 «Ижтимоий ҳимоя мезони».
21.15 «Спорт-тайм».
21.45 «5+1».
22.15 «М» хабар.
22.25 Эълонлар.
22.30 — 23.00 «Дунё эшиги». Халқаро «Маърифат» жамияти иш фаолияти ҳақида.

СЕШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Учқудуқ — ислоҳотлар чорраҳасида».
9.15 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
9.45 Биржа ва банк хабарлари.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Оқ руҳ».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Тасвирий санъат.
11.00 Немис тили.
11.30 Адабиёт.
12.00 «Сумалак» ансамблининг концерти.
12.40 «Кундузги хотин». Бадиий фильм.
14.00 —14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.40 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин...»
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Тенгсиз жаҳоним, Ўзбекистоним!». Адабий композиция.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Наманган вилояти «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
22.00 «Деҳқонки дона сочар...» Публицистик кўрсатув.
22.25 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абзал Рафиқов.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55—00.30 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ — журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.20—00.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Стадион», «Сари-челек». Телефильмлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

***

18.20 — 21.40

*

21.40 «Абу Райҳон Беруний». Бадиий фильм. 2-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 — 23.30 «Бу ажиб дунё».

IV

17.05 «Афғон тупроғидан қайтган баҳодирлар» (такрор.).

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.20 Эълонлар.
22.25—23.55 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55—8.25 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.25 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абзал Рафиқов.
9.25 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин...»
9.40 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Ассалом, Наврўзи олам!»
Ўқув машғулотлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Кимё.

*

12.00 «Мен кутган баҳор». Мусиқий дастур.
12.30 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз». Телемусобақа.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 «Қадим карвон қўнғироқлари». Наврўз кўргазмаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним манам!» Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.30 «Бўстон». Телевизион журнал.
22.25 «Дилдаги гаплар». Абулқосим Туйчиев.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55—00.25 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер—Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00—24.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қиз узатиб борганда». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

***

18.20—21.40

*

21.40 «Бархан». Бадиий фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Утиш жойи». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50

*

23.50 — 00.05 «Келгинди». Телефильм.

IV

17.05 «Ўзбекистон ботаника боғи», «Галерея бўйлаб». Телефильмлар.
17.30 «Умид» (уйғур тилида).

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Рақслар қанотида». Замонавий америка балети.
20.40 «Иштирок этувчилар».
21.10 «Сахий хонадонда». Наврўз байрамига бағишланган кўрсатув.
21,50 Эълонлар.
21.55 — 22.35 «Қалбларда баҳор».

ПАЙШАНБА, 21

I

7.00 ДАН 02.00 ГАЧА УЗЛУКСИЗ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ДАСТУРИ.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 Табрик. Лавҳа.
18.20 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер». Махсус сони.
20.05 «Салом, баҳор!»
20.20 Табрик. Лавҳа.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Постфактум».
21.10 «Юлдузли механика».
21.30 Табрик. Лавҳа.
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 —00.50 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Наврўзи ажам». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».

***

18.20—21.40

*

21.40 «Офарин-96». «Ёш овозлар».
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
23.30—23.50

*

23.50 — 00.05 «Сумалак». Телефильм.

(Давоми 4-бетда).

ДУНЁ ОВОЗЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

Сеул шаҳрида Жанубий Кореянинг собиқ президентлари Чонг Ду Хва ва Ро Де У устидан суд бошланди. Бу истеъфодаги генераллар 1979 йилдаги ҳарбий тўнтариш ва 1980 йили Кванжу шаҳрида халқ намойишини куч билан бостирганликда айбланмоқда. Айбдорлар билан бирга яна 14 нафар собиқ ёрдамчилар ҳам суд қилинмоқда. Айни пайтда, суд биноси 700 нафар тартиб посбонлари томонидан ўраб олинган. Бино олдида жамоатчилик вакилларидан иборат юзга яқин аҳоли собиқ президентларга шафқатсиз жазо берилишини талаб қилиб, намойиш ўтказмоқда.

***

Русия федерал қўшинлари Чеченистон пойтахти Грознийда Дудаевга қарашли кучларни қуролсизлантириш операциясини давом эттирмоқдалар. Бир вақтнинг ўзида вайронага айланган шаҳарни қайта тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Федерал қўшинлар билан бўлиб ўтаётган жангларда кўплаб муҳим объектларга шикаст етказилди. Улар орасида сув ва электр энергияси иншоотлари бўлиб, бунинг оқибатида аҳоли сув ва электр энергиясисиз қолмоқда. Яқин кунларда дудаевчилар федерал қўшинларни йигирма бир марта ўққа тутганлар. Оқибатда икки рус аскари ҳалок бўлди. Грознийда эса Чеченистон Ички ишлар вазирлигининг катта зобити ўлдирилди. Мерган ўқидан маҳаллий телекомпания ходими Виктор Жиров ҳам ҳаётдан кўз юмди.

***

Тайвань Президенти Хитой билан муносабатларини яхшилаш тарафдори эканини айтди. У телевидение орқали сўзлаб, ўз халқи манфаатларини кўзда тутиб, Хитой билан кейинги йиллардаги совуқ муносабатларни яхшилаш керак, деди. Тайванда президент сайлови 23 мартга белгиланган бўлиб, бунга қарши Пекин ушбу орол давлати яқинида ҳарбий кучлар ўқувини бошлади. Тайваннинг алоҳида мамлакат бўлишига интилаётгани хитойликларга ёқмаяпти. Пекин томонидагилар Тайван Хитойнинг бўлинмас бир бўлагидир, демоқдалар.

***

Гонконг газеталарида хизмат қилаётган уч нафар журналист Хитойдан чиқариб юборилди. Улар Хитой Халқ озодлик армиясининг мамлакат жанубидаги Хуббиян вилоятида ўтказаётган ҳарбий машқлари ҳақида батафсил маълумот олишга уринганлар. Журналистлар ўз ҳаракатларининг нотўғрилигини ва Хитой ҳудудида Гонконг ва Макас журналистлари тўғрисидаги қоидани бузганликларини тан олишган.

***

АҚШ, Англия, Франция ва бошқа Ғарб давлатларининг Бангладешда яшаётган фуқаролари зўрлик билан ўз ватанларига кўчирилишлари мумкинлигидан огоҳлантирилдилар. Чунки, айни пайтда Бангладешда мухолиф кучларнинг ҳукуматга қарши қуролли чиқишлари кучаймоқда.

Сиёсий иқлим

Нарсаларни ўз номи билан атайлик, дейишади ғарбликлар. Биз ҳам маълум сиёсатда йирик давлат ёки давлатлар гуруҳининг устун манфаати пинҳон бўлишини «ўз номи билан» айтайлик.

Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув ташаббускорлари президентлар Билл Клинтон ва Ҳусни Муборак бўлди. Учрашув жойи қилиб Мисрнинг танланганини бежиз эмас. Миср Араб мамлакатлари орасида биринчи бўлиб — 1979 йилда Исроил билан тинчлик шартномаси тузган. Анжуманнинг Шарм аш-Шайхда ўтказилишида ҳам «маъно» бор. Бу шаҳар 15 йил давомида Исроил тасарруфида «бўлган». Йиғиннинг мақсадларидан бири эски гина-кудуратларни унутиш, янги сиёсатда янгича уйғунликка интилишдан иборат эди.

Маълумки, терроризмга қарши ҳалқаро учрашувлар етмишинчи йилларнинг ўрталаридан буён ўтказилади. Бу тадбирларнинг аҳамияти шундаки, халқаро терроризмга қарши кураш амалиётида ҳамкорлик, ҳар жиҳатдан тажриба алмашув лозимлиги англаб етилди. Бугунги кунда халқаро терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосини яратишга эҳтиёж сезилди.

Бироқ халқаро терроризмга қарши курашнинг икки мураккаб жиҳати мавжуд. Биринчиси, масалага турли давлатлар сиёсий ёндошувининг турличалиги бўлса, иккинчиси ва энг муҳими, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги қонунчилик бошқа бир давлатнинг ҳудди шундай меъёрларига жудаям мос эмаслигидир. Миллий қонунлар эса, маълумки, асосидаёқ ҳар хил бўлиши мумкин.

Хўш, Шарм аш-Шайхда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув олдинги ҳудди шундай анжуманлардан нимаси билан фарқ қилади ва унинг аҳамияти нимада? Мазкур йиғиннинг фавқулоддалик характери Яқин Шарқда тинчлик жараёнларининг тақдиридан ташвишланиш билан изоҳланади. Кўп йиллардан буён сиёсий можароларнинг ўчоғига айланган ушбу минтақада тинчликни қарор топтиришга бутун дунё диққатини жалб этиш ғоятда муҳим. Ғарб матбуоти Яқин Шарқдаги вазиятга муносабат билдирар экан, террорчилар Исроилдаги булажак сайловларда ҳокимият тепасига тинчлик йўли мухолифатчилари келиши, Фаластин автономияси раҳбари Ёсир Арофатнинг экстремистларни оммавий ҳибсга олиши фаластинликлар орасида фуқаролик урушини келтириб чиқариши мумкин, деб изоҳлайди. Бу ўринда, «мухолифатчилар» ва «экстремистлар» ким экан? — деган савол туғилади.

Шундай шароитда АҚШ маъмурияти халқаро экстремизмга қарши курашда дунё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадини илгари сурди. Чунки АҚШ ҳам терроризмдан Исроилдан кам азият чекаётгани йўқ. Зўравонлик, зулм, оммавий қирғин ва қатағонлар давлатларнинг иқтисодий сиёсати ва ижтимоий ҳаёти ҳамда ёнтеваракдаги мамлакатларга салбий таъсир этади. Бу жиҳатдан терроризмнинг қонун ва ҳудудлардан «устунлиги» бор: у чегара билмайди.

Олий даражадаги учрашув чоғида умумий масалаларга ёндашувда қарашлар ҳар хиллиги сезилиб қолди. Масалан, АҚШ нуқтаи назарида исломга қарши кайфият сезилди. Миср эса уммон орти давлатини араблар ва ислом дунёсини яхшироқ тушунишга даъват этди. Русия ҳам шундай фикрда. Ким билсин, терроризмда кўпроқ ислом рангини кўришнинг бошқа бирор мантиғи бордир?

Учрашувда АҚШ томони баҳсли — Эронни изоляция қилиш масаласини муҳокамага қўйишга уринди. Америка ва Исроил томонлари Эронни экстремизмни қўллаб-қувватлаётганда айблайди. Канада, Франция, Олмония, Русия Эронга нисбатан бундай йўл тутилишига қарши. Бу йўл, шубҳасиз, Эрон билан муносабатларга таъсир этган бўлур эди. Мамлакатларни изоляция қилиб эмас, аксинча уларни бу иллатга қарши курашга жалб этиш билан муаммо ечими топилиши мумкин.

Айниқса, исроилликлар бу учрашувдан ижобий натижалар кутган эди. Араблар Исроил учун мақбул бўлмаган таклифлар киритиши кутилганди. Анжуманда олдин Исроил ташқи ишлар вазири Эҳуд Барак, АҚШ билан Исроил ислом терроризмига қарши ҳамкорликдаги курашни кенгайтириш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекишмоқчи, деб айтган эди. Ҳар ҳолда, Марказий Қидирув Бошқармасининг Исроил ва Фаластин хавфсизлик хизмати билан келишиб ишлаши режалаштирилди. Бу — терроризмга ён босадиган араб мамлакатларига сиёсий тазйиқ ўтказишни ҳам ўз ичига олса, ажаб эмас.

Анжуманда терроризмга қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асосига тамал тоши қўйилди. Фикримизча, олий даражадаги учрашувнинг энг муҳим аҳамияти ҳам ана шунда.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

КОСА

ВА

НИМКОСА

ОСИЁ ВА УНИНГ ТАЛАБАЛАРИ

Бу аёлнинг ҳаёт йўли оддий. Мактаб, институт, кафедра муаллимлиги ва... Нукусдаги Ж. Ўринбоев номли педагогика ўқув юртининг ҳовлисини тўлдирган улкан қувончларга ошнолик.

— Ўқув юртимизда етук, малакали педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор беряпмиз — дейди қаҳрамонимиз, билим юрти директори Осиё Жумамуратова. — Бунинг учун ўқитувчиларимиз ҳар бир талабанинг қандай қилиб яхши самараларга эришаётганлигига, нималардан қийналиб қолаётганлигига қараб иш олиб бормоқдалар. Ким қайси фандан қийналса қўшимча дарс ташкил қилинмоқда.

1993 йилдан бошлаб педагогика билим юртига фақат 9-синфни тугатган йигит-қизлар қабул қилиняпти. Ўқув муддати тўрт йил. Ўқитишнинг бундай усулда ташкил қилиниши бошланғич синфлар учун малакали, билимдон қадрлар тайёрлаш имконини бераётир.

Таълим-тарбия, ўқитиш методикаси бўйича ўқитувчиларнинг ҳисоботлари тингланмоқда. Физкультура-спортнинг оммавийлигини таъминлашда спортнинг бир неча турлари бўйича тўгараклар, шунингдек, ёш ҳаваскорлар тўгараги, «Дуторчи қизлар» дастаси ҳам мунтазам ишлаяпти.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида педагогика билим юрти раҳбарияти кичик корхоналар ташкил қилиб, қўшимча даромад топишга ҳам эътибор бермоқда. Айни кунларда бичиш-тикиш цехини очиб, унда боғча-ясли ёшидаги жажжи ўғил-қизлар учун кийим-кечаклар тикиш, қандолат цехида ширинликлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Билим маскани теграсидаги бундай хайрли ишларга Осиё Жумамуратованинг ўзи ва талабалари ҳамиша бош-қош.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ғамхўрлик

ЎҚУВЧИЛАР СТИПЕНДИЯСИ

БУХОРО (мухбиримиздан). Соғлом авлодни камолга етказишдек муҳим ишга болалар жамғармаси вилоят бўлими муносиб ҳисса қўшмоқда.

Болалар жамғармаси вилоят бўлими иқтидорли ўқувчилар учун махсус стипендия таъсис этиб, кўпчиликни қувонтирди. Яқинда бир гуруҳ ана шундай ўқувчилар стипендия соҳиби бўлдилар. Ўзлаштириш ва давомадда ўзларини кўрсатаётган ёшлар жамғарма томонидан ўқув йили давомида ойига 100 сўмдан стипендия олиб турадиган бўлишди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Эгизаклар

БИР ЎҒИЛ, ИККИ ҚИЗ

НУКУС шаҳрилик Мухтор Избосаров оиласи бир йўла уч кишига кўпайди. Зулфия Қалиева бир ўғил, икки қиз кўрди.

Ўғлига Темур, қизларига Ойман ва Шўлпан деб исм қўйишди. Эгизакларнинг саломатлиги яхши. Ўғил-қизлар сони эса олти нафарга етди. Чақалоқлар соғлиғига қараш учун шаҳар болалар касалхонасидан шифокор ва ҳамшира ажратилди. Уларни шаҳар болалар сут ошхонаси ўз таъминотига олди. Шунингдек, «Маржон» хусусий корхонаси, марказий бозор ва 6-фуқоролар йиғини жамоалари ҳомийлик қилишмоқда.

Е. РЕЙИМБОЕВ.

Гоҳо болалар ҳам жиддийлашади.

ЧАҚМОҚ УРГАН ОДАМ

«Фейн» журналининг ёзишича 1899 йили бир одам ўз ҳовлисида чақмоқ тегиб ўлган. Орадан ўттиз йил ўтгач, ўша одамнинг ўғли ҳам худди ўша ерда чақмоқдан ҳалок бўлган. Кейин эса 1949 йил 8 октябрда биринчи ўлган одамнинг набираси ёки кейинги ўлганнинг ўғли ҳам чақмоқ уриб, ўша ерда ҳалок бўлган.

ТАВБА-ТАВБА...

Майор Саммерфорд 1918 йили Фландрияда чақмоқ уриши натижасида отдан йиқилиб, танасининг пастки қисми ишламай қолади.

Соғлиғининг ёмонлиги туфайли майор бироз вақт даволанади. Оз-моз юра бошлаган. 1924 йили момақалдироқ пайтида майор 3 нафар балиқчи билан дарёда балиқ тутаётганди. Чақмоқ яна майорга «ҳазил» қилиб, у ўтирган дарахтга келиб урилди. Натижада энди унинг ўнг тана қисми ишдан чиқади.

Икки йилдан кейин тузалиб, Ванкуверда яшай бошлайди. 1930 йили эса ўша ерда яна чақмоқ уриши туфайли бутун танаси ишламай қолади. Орадан икки йил ўтгач, бечора дунёдан кўз юмади. Аммо, бу билан ҳаммаси тугамайди. 1934 йилнинг июнида кучли момақалдироқ пайтида чақмоқ қабрлардан бирига келиб урилади ва қабр тепасини бузиб ташлайди.

Афсуски, бу ўша майорнинг қабри эди. Тавба-тавба...

ЎШ ЕР, ЎША ҲОЛАТДА

«Дюъдрон» номли елканли кема капитани Эдвард Ланднерни денгизда кучли бўрон туриб, тўлқин денгиз қаърига олиб кетади. Уни қутқаришнинг иложи бўлмайди.

Ушбу ҳодисадан роса 19 йил олдин ўша ер, ўша ҳолатда Эдвард Ланднернинг отаси — «Аретуз» номли елканли кема капитани ҳалок бўлганди.

Ҳаммадан ҳам ҳайратланарлиси шундаки, «Аретуз» капитани ҳалок бўлган жойда яна ўша ҳодисадан 19 йил олдин Ланднерлар авлодининг энг каттаси — «Керн» пароходи капитани, яъни «Аретуз» кемаси капитанининг отаси ҳамда «Дюъдрон» кемаси капитанининг бобоси — капитан Ланднер бўрон пайтида ҳалок бўлганди.

Қизиғи шундаки, учала ҳалок бўлган туғишганларнинг исмлари ҳам бир хил — Эдвард экан.

CUKURS - BIZNESS
ЦУКУРС-БИЗНЕС
UZBEKISTAN
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Шакар етказиб бериш бўйича шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз,
СИЗ ҲАР ОЙДА 20 ФОИЗДАН 27 ФОИЗГАЧА ФОЙДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.
5000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 6000 сўм бўлади.

Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси,6-уй 101-хона. Телефон: (3712) 34-05-07.

Бизнинг манзил:

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Фарҳод кўчаси, 2-уй, 2-қават, 3-4 хоналар, 16-клиник шаҳар касалхонаси. Телефон: 50-80-17.

БУНИНГ УЧУН ФАҚАТ ҚЎНҒИРОҚ КИФОЯ!

Хусан ЭШМУРОД

МЕНИНГ ҲАМ ОСМОНДА ОЙИМ БОР

Тоғ арчасини биласиз. Унинг фитратида кўнгилга хуш келадиган андак ёввойилик, тош муҳитни ёриб чиқишга етарли мардлик, қалтис даралар билан юзма-юз туриш, совуғу иссиқда ўзгармаслик, бисотида борини ўртага қўйишлик каби талай хусусиятлар мужассам. Мухтасар айтганда, Хусан Эшмуроднинг шеърлари ҳам шу арчалардек тоғнинг барча фазилатларини ўзида жамлаган.

***

Ухлама, ой, ухлама, қуёш,
Ухлаб қолма юлдузчаларим.
Ахир дўстнинг кўзларида ёш,
Ахир қандай ухлайдирсан жим.

Тополмайман ҳаловат, тоқат,
Кўриб ғамнинг кўзларида қон.
Майли, ҳамма ухласин, фақат
Сен ухлама, сирдошим осмон!

КУЗ

Куз — худди отамга ўхшайди,
Борини ўртага қўяди.
Қўйнидан неъматин узатиб,
Катта-ю кичикни суяди.

Одамга ўхшайди олтин куз,
Шамоллар сочини ўйнайди.
Гоҳида айтолмай бирон сўз,
Хазонлар қучоқлаб йиғлайди.

Куз — худди отамга ўхшайди,
Саховат тўкилар кўзидан.
Дунёни айланиб келгунча,
Юлдузлар қолмайди изидан...

БИР ГАП
ёхуд соя талашув

Менинг ҳам осмонда қуёшим,
Менинг ҳам осмонда ойим бор.
Жўрам-ов, сен топган сояда,
Менинг ҳам бир парча жойим бор.

Сен эса ўзингни тов билиб,
Ҳадеб оёғингни чўзганинг чўзган.
Қўтир пойларингни писанда қилиб,
Аслида сендайлар дунёни бузган.

Сени эл билади, шу хокисор эл,
Мениям шу халқим баҳолаб қўйган.
Менинг ҳам тилим бор, сенда нобоп тил,
Мендан кулар балки, сендан кўп куйган.

Моғорли нафсингни куни тун ўйлаб,
Ёнмагин повиллаб шу қадар ўтда.
Салгина сурилгин, биродар, бир гап:
Барчага борар жой аслида битта!

НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!

Ўзбекистон ҳукуматини ва ўзбек халқини муборак байрам шарофати ила қутлаймиз.

Саудия Арабистонида тўқилган сержило гиламлар ва тотли печеньелар яхши тўйларингизга буюрсин.

"МАХДУМ" компани ЛТД.
Неъматулло МАХДУМ, фирма муассиси.

Манзил:
Тошкент шаҳар, Чорсу бозоридаги
"Болалар дунёси" дўкони, 2-қават.
Тел: 42-56-44, 79-34-36.
Факс: (3712) 79-77-67.

ЭНГ ЯХШИ ДАВО

Саломатлик сандиги

Аслида хасталикнинг олдини олган маъқул. Шу кунларда шамоллашдан ўзимизни эҳтиёт қилишимиз керак. Бунинг учун бир неча оддий амалларни бажаришга тўғри келади.

Эрталаб, албатта, беш-ўн дақиқа давомида бадантарбия машғулотини бажариш лозим. Зеро, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ёзганидек, **«бадантарбия билан мўътадил ва ўз вақтида шуғулланувчи киши касалликлар давосига муҳтож бўлмайди».**

Агар ўзингизда грипп аломатларини сезсангиз, саримсоқ, турп ва пиёзнинг янчилган эритмасини чойшаб ёки сочиқ остида ҳидлаб, «совуқ ингаляция» табдирини қўллаганингиз маъқул. Бу муолажани кунига икки-уч марта қайтарсангиз юқорида айтилган сабзавотлар таркибидаги фитончилар микроб ва вирусларни ўлдиради.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, фақат дори-дармон билан гриппдан тўлиқ қутулиб бўлмайди, Негаки, умумий ҳолсизланиш, қуруқ йўтал, бурунниng битиши сингари белгилар бир неча кун, ҳафталаб чўзилиши мумкин. Шундай бўлмаслиги учун муолажани халқ табобати билан омухта олиб бориш, яъни лимонли, олчали, хўжағат, қора қароғат мураббосидан тайёрланган чой, ялпиз, наъматак, маврак, мойчечак дамламаларини истеъмол қилиш фақат фойда беради.

Агар беморда ҳарорат кўтарилмаса, бўғли ингаляция қўллаш мумкин. Бунинг учун 1-1,5 литр қайнаган сувга бир ош қошиқ ош тузи, таркибида финтоцид бор бўлган, ўзига хос ҳид тарқатадиган ялпиз, маврак, мойчечак, эвкалипт каби доривор ўтлардан бирини (оз миқдорда), нўхат катталигида «Красная звезда» бальзами ва бир чой қошиқ истеъмол содаси қўшилади. Сўнг чойшаб ёки кўрпага бошни ўраган ҳолда кўзни юмиб юз, бўйин, кўкракни буғлаш, 10-15 дақиқа ўша буғдан нафас олиш даркор. Ушбу муолажадан сўнг кўкрак қафаси ва бўйинни сунореф ёки борментал билан артилса, янада фойда бўлади.

Гриппнинг аломатларидан бири шуки, товуш бўғиқлашади. Бундай пайтда маврак ёки мойчечак дамламасини ичиш, тухумнинг оқини ютиш тавсия этилади. Шу муолажани қунт билан бажарсангиз гриппни енгил ўтказасиз ва ўз саломатлигингизни асраб қолган бўласиз. Зеро, японлар айтганидек, тани сиҳатликка ғамхўрлик қилиш — энг яхши даво.

Шоира ҚОДИРОВА,
биринчи тоифадаги шифокор.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

IV
17.05 «Замин саховати».
17.30 «Интерпартнёр».
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 «Тошкент оқшомида».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Ташрифинг муборак, Наврўз!».
23.05 — 00.05 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».

ЖУМА, 22

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Дилдан ўйнаб, яйра қувнаб». Сурхондарё вилоят «Ширу-шакар» ансамблининг байрам дастури.
9.00 «Аёл борки, олам мунаввар».
9.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Наврўз бахт ва шодлик улашиб...»
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Пойтахт концерт залларида».
10.55 Ўлмас Умарбеков. «Кўприк». Теленовелла.
11.10 «Шаҳризоданинг сўнгги туни». Бадиий фильм.
12.35 «Сеҳрли мўйқалам». Болалар учун қизиқарли дастур.
13.10 «Пахтачиликда янги усул». Янги сеялка ва шу усулнинг самараси.
13.35 «Илм ўзликни билмакдир». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Инсон ва шер». Мультфильм.
18.20 «Тилга эътибор...»
18.55 «Аждодлардан мерос — қутлуғ кун». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Севгим менинг — андуҳим менинг». Киноконцерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ассалом, Футбол баҳори!». Спорт кўрсатуви.
21.45 Бастакор Алишер Икромов ижодига бир назар.
22.35 Наврўз ҳангомалари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55—00.45 «Ўхшаш чеҳралар».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 НАВРЎЗ ТОМОШАЛАРИ:
«Ривоят».
«Муаллиф».
«Офарин».
«Мафтункор чеҳралар».
Наврўз. Оҳанглар. Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 НАВРЎЗ ТОМОШАЛАРИ:
Наврўз. Оҳанглар. Эълонлар.
Репортаж.
20.30 «Ахборот».
20.55 — 24.00 НАВРЎЗ ТОМОШАЛАРИ:
Наврўз. Оҳанглар. Эълонлар.
«Эртага — шанба».
«RAKS» тақдим этади.
«Таманно».
Бадиий фильм.
Наврўз. Оҳанглар. Эълонлар.
«Ривоят».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Аппорт тақдири». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
* * *
18.20—21.40
*
21.40 «Вундерланд» операцияси». Бадиий фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.05 Эълонлар.
23.10 «Аттракцион» юртига саёҳат», «Шимол жилолари». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси
23.30 — 23.50
*
23.50—00.20 «Шоҳсупа сари».
IV
17.05 «Еттинчи жин» Фильм-эртак.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
21.05 «Орзулар гулдастаси». Дам олиш дастури.
21.35 Эълонлар.
21.40 «Компьютер-ревю».
22.05 «Бизнес-академия».
22.30 — 23.00 «Манбалар». Шарқ мамлакатларининг халқ байрамлари.

ШАНБА, 23

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Наврўз ҳангомалари.
9.30 Бастакор Алишер Икромов ижодига бир назар.
10.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
11.20 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Мирзо Улуғбек».
11.50 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
12.15 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.45 «Ўхшаш чеҳралар».
13.35—14.20 «Ассалом, Футбол баҳори!» Спорт кўрсатуви.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Икки жин». Мультфильм.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 Эстрада тароналари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқлар кўрик-танлови».
21.30 Бухоронинг 2500 йиллиги олдидан. «Шарқдан нур таралур...» Бадиий кўрсатув.
22.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.
II
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
10.55 «Юлдузли механика».
11.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
11.50 «Киноногоҳ».
13.30 — 14.30 «СПОРТ—ҚИТЪАСИ».
***
18.00 «Совға».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 Видео— «О».
23.30 — 23.50 Видео янгиликлари.
III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Куй ва соз соҳиби», «Саҳродаги қўриқхона». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20—21.40
*
21.40 «Валентина». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси
23.30—23.50
*
23.50 — 00.10 «Жонли сайёра».
IV
10.00 «Том Сойер ва Геккльбери Финн саргузаштлари». Болалар учун фильм. 3-серия.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Бизнен мирас» (татар тилида)
11.50 «Оренбург рўмоллари». Телефильм.
12.00 «Дидар» (қозоқ тилида).
12.40 — 13.20 «Айчурек» (қирғиз тилида).
***
17.00 «Валерка, Рэмка плюс...» Бадиий телефильм.
17.30 «Муъжизалар оламига саёҳат». «Ҳаёт» болалар театрининг ижодий жамоаси ҳақида кўрсатув.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Кинематограф».
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Олам ва одам».
22.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
22.30 — 22.50 «Бу ажиб дунё».

ЯКШАНБА, 24

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат киламан».
11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.50 Саъдулла Сиёев. «Бозор кўрмаган йигит». Телеспектакль.
13.10 — 13.40 «Ватан сарҳадларида». Чегарачилар кунига бағишланган кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Алпомиш авлодлари». Спорт кўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.55 «Мимино». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—01.00 «Дўстлар учрашганда». Мурод Ражабов.
II
9.00 НАВРЎЗ ТОМОШАЛАРИ:
«Ривоят».
«Муаллиф».
«Офарин».
«Мафтункор чеҳралар».
Наврўз. Оҳанглар. Эълонлар.
10.20 НАВРЎЗ ТОМОШАЛАРИ:
Наврўз. Оҳанглар. Эълонлар.
«Эртага — шанба».
«RAKS» тақдим этади.
«Таманно».
Бадиий фильм.
Наврўз. Оҳанглар. Эълонлар.
«Ривоят».
***
18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шахс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мусиқа салтанати».
21.25 «Фармед».
21.35 «Илҳом сатрлари».
21.40 «Юлдузлар».
22.15 «Даракчи».
22.25 «Келгуси ҳафтада».
22.35 «Оҳанглар оғушида».
22.55 Видео — «О».
00.25 — 00.55 «ФУТБОЛ ҚИТЪАСИ».
III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20—22.50
*
22.50 «Сурхон». Телефильм.
23.00 «Панорама».
23.25 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси
23.30—23.50
*
23.50—00.05 «Сайғоқлар». Телефильм.
IV
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Эълонлар.
12.15 «Эсдалик учун дастхат».
12.40 — 13.00 «Парле ву франсэ». Француз тили — ҳамма учун.
***
17.10 «Биринчи бўса». Бадиий телефильм.
17.40 «Сенинг вақтинг». Ёшлар учун дастур.
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.55 «Миср халқ амалий санъати». 2-кўрсатув.
21.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.50 «Бу ажиб дунё».
22.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
22.20 Эълонлар.
22.25 — 23.55 «Кинематограф».

"АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД"
қўшма корхонаси
тегирмон вальцларини ва 50 кг, 15 кг ун қопларини СОТАДИ.
Тўлов шакли: пул ўтказиш, нақд ва векселлар бўйича.
Телефонлар: 67-77-41, 67-23-74.

Футбол

МИЛЛИОНЛАРНИ РОМ ЭТГАН ЎЙИН

Яна бир кундан кейин юртимизда футбол куни нишонланади.

Қадриятлар тикланаётган, янги анъаналар йўлга қўйилаётган юртимизда яна бир ўзига хос айём куни белгиланди. Мамлакатимизда биринчи марта Футбол куни нишонланадиган бўлди. Ҳар йили 18 мартда Наврўзи олам даракчиси — футбол баҳори нашъасидан миллионлаб мухлислар баҳра оладилар. Айнан шу куннинг танланишининг ҳам боиси бор. Маълумки, бундан уч йил аввал худди шу куни Ватан довруғини оширишнинг муҳим омилларидан саналган футболни янада ривожлантиришга бағишланган муҳим қарор қабул қилинган эди. Бу ҳужжатда кўзда тутилган эзгу мақсаднинг аксарияти рўёбга чиқди. Лекин футболимиз жаҳон талаблари асосида ривожланиб, оммавийлик касб этиб, Ўзбекистон нуфузини оширишга деярли хизмат қилолмади.

Мухлислар, мутахассислар, умуман футболни севувчи ҳар бир киши шу йил январь ойида республика Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорини зўр қувонч билан қаршилашгани ҳаммага аён. Қизиғи шундаки, «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» деб номланган бу галги қарор ҳам деярли шу куни, фақат йил бошида эълон қилинди. Бу ҳужжатнинг аҳамияти бениҳоя бўлиб, футболимизни ривожлантириш, довруғини оширишнинг дастурий амалига айланди.

Шу нарса аёнки, жисмоний тарбия ва спорт, айни чоғда футбол тан-сиҳатлик, умр-боқийлик, баракали меҳнат, яхши кайфият, қолаверса, моддий рағбатнинг муҳим омиллари саналади. Ўзбекистоннинг футбол мамлакатларидан бирига айлантириш ва довруғ қозониши учун бошланган саъй-ҳаракат ўз самарасини бериши табиий. Боиси, бу соҳани ривожлантиришга давлат аҳамиятига молик вазифалардан бири деб қаралмоқда.

Энди футболимиз мулкчилик асосида ривожланади. Футбол клубларини ташкил этиш, уларнинг намунали Низоми ва Уставини ишлаб чиқиш бошлаб юборилди. Клублар ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши, яъни ўз жамғармасига эга бўлиб, харажатларни қоплаш ва рағбатлантириш ишларини ўзи бажарадиган бўлади. Олий ва биринчи лига футбол клубларининг ўйинчилари, мураббий ва ходимлари энди келишилган шартнома асосида ишлайдилар. Мақсад — мураббий-ю, ўйинчи ўз клуби билан фахрланадиган, унинг обрўсини ошириш учун бор имкониятини ишга соладиган бўлади.

Янги футбол мавсумига ҳозирлик ана шундай фахрли, айни пайтда масъулиятли бир вазиятда бошланади. Мавсумга тайёргарлик ҳам ўзига хос тартибда давом этмоқда. Футболчилар кўпроқ учрашувларда куч синашишга, маҳоратини тобига етказишга ҳаракат қилишяпти. Бир қанча футбол жамоалари хорижий сафарларда бўлиб, халқаро майдонларда тўп суриб қайтдилар. Миллий терма жамоамиз эса Осиё кубоги ўйинларида, жаҳон чемпионатининг саралаш баҳсларида қатнашишга замин ҳозирламоқда.

Шу кунларда барча ўйингоҳлар таъмирланмоқда. Халқ севган ўйинни ташкил этиш футболчи-ю мухлисларга қулай шароитлар яратиш учун ҳаракат бошланган.

Бир сўз билан айтганда, илк марта нишонланадиган Футбол куни кўтаринки кайфиятда, байрамона тарзда нишонланиши кутилмоқда.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Мамлакатимизнинг бош ўйингоҳи —«Пахтакор» стадиони замонавий талаблар асосида қайта таъмирланмоқда. Бу ерда қарийб уч ойдан бери республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Ўзсувзовурқурилиш» трестининг 100 нафардан зиёд бунёдкори таъмирлаш ишлари билан банд.

Майдонда бир-бир ярим метр чуқурликда қувурлар ётқизилмоқда. Бу қувурлар ёрдамида ортиқча сувлар ташқарига чиқарилади. Майдоннинг устки қисми қум билан текисланиб, Олмониядан келтирилган мослама асосида иситилади. Майсалар ҳар қандай фаслда ҳам барқ уриб тураверади. Қурувчилар таъмирлаш ишларини футбол мавсумигача тугаллашга аҳд қилишган.

Ўйлаймизки, «Пахтакор» ўйингоҳи жаҳон андозаларига мос халқаро ўйинлар ўтказиладиган масканлардан бирига айланади.

СУРАТЛАРДА: «Пахтакор» ўйингоҳида олиб борилаётган таъмирлаш ишларидан лавҳалар.

Алмурод МАМАДАМИНОВ олган суратлар.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Бугун минерал ўғитлар нархи қиммат. Ўзи эса заҳардан баттар. Буни биламиз, аммо ноиложмиз, ишлатишга мажбурмиз!

Наҳотки минерал ўғит ўрнини босувчи нарса бўлмаса, деб савол бермаймиз.

Агар шундай савол қўйилганда, албатта жавоб топар эдик.

Минерал ўғит ўрнини эгалловчи восита бор. У ҳам бўлса

биогумусдир.

Зеро, биогумус экологик жиҳатдан соф маҳсулот етиштириш омили, ҳосилдорликни бир ярим баравар ошириш манбаи, ер унумдорлигини кўтариш воситасидир.

Биогумус тайёрлаш унчалик қийин эмас. Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги барча органик чиқиндилар биогумус олиш учун ишлатиладиган хом ашёдир.

Бунинг учун

КАЛИФОРНИЯ ҚИЗИЛ ЧУВАЛЧАНГИНИ БОҚИНГ!

Шунда ютуғингиз беқиёс бўлади.

Ишонмайсизми?!

Ишонмасангиз келинг, кўриб ишонч ҳосил қиласиз!

Биз доимо сизнинг хизматингиздамиз!

Манзил: Андижон вилояти, Хонобод шаҳри,
"Дўстлик" жамоа хўжалиги
тел: (8-37473) 41682, 42230, 42989
(8-37422) 54377, 42365
Тошкент, Уфимцев даҳаси,
"Дўстлик-Фирдавс" фирмаси
(Айланма йўл чеккасидаги блок ғишт чиқарадиган корхона ёнида).

Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қумитаси ва кимё факультети жамоаси Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё фанлари доктори, университетнинг кекса ўқитувчиси, органик кимё кафедрасининг собиқ мудираси профессор

Амина Раҳимовна АБДУРАСУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Тошкентда — 33-12-56;
Гулистонда — 2-26-22; Урганчда — 6-51-35;
Жиззахда — 3-31-86; Фарғонада — 26-37-16;
Навоийда — 3-75-43; Қаршида — 3-25-79;
Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 5-26-24.
Нукусда — 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120
Газета офсет усулида
А—2 форматида 35497 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
Г — 0122

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20. 30.

1 2 3 4 5 6.